

Шукр, Туркистонимизда эски хукуматдан сабил колгон шалок оташаравамиз бор. Биз бу оташаравамизнинг Кўкон араваларидек ликинг-ликинг юрушига ҳам канча шодланамиз, шукр киламиз. Лекин унинг ичидаги гайри табиий «интизом ва тартиб»ларни кўришга энди токатимиз колмагон.

Оренбургдан нариги оташараваларга карасок, Худонинг мархамати билан ҳамма ишлар ўз жойида. Хеч кимнинг камарчаси кимирламайдир, лоакал носкадуси ҳам йўқолмайдир. Аммо Ўрта Осиёга Худо панох берсин. Энг аввал бунга билет олиш учун бошингизга шапка кўйиб белатхонага боришга мажбур бўласиз. Чунки бу жойда шапка жуда катта рўл ўйнайдир. Шапкасиэлар одам каторида ҳам хисоб килинмайдирлар.

Хайр, бир иш килиб охири белат олишга ҳам муваффақ бўласиз. Сўнгра чикасиэ оташаравангизнинг истикболига. Бунда кўрасизким, гўё ер ёрилиб одам чиккан. Бу холни кўруб, бирдан кўнглингизга аллакандай вахималар тушадир. Шу чоқда ноилож Худого сигинишга ва авлиёлардан ёрдам сўрашка мажбур бўласиз.

Ана, оташарава ҳам лопиллаб, фишкириб келди-ку! Энди бу ёги бахтингизга карайдир. Агар Худо ёрлакагон бахтлиқ кишилардан бўлсангиз, чўнтагингиз кесилса ва хуржинингиз тешилса ҳам, ўзингиз бир нав килиб поезднинг томига чикасиэ ёки юк кўятургон катакчаларнинг бирида диккат бўлиб жойланасиз. Булар муяссар бўлмаган такдирда, албатта, йўлаклардаги халкнинг «пойандози» бўлишка ёки зиналардан бирида ўлтиришка рози бўласиз. Булар ҳам сизга насиб бўлмагонда, вогуннинг бўйнига миниб олиб, «хайт!» деб кетаберасиз...

Шунча азоб ва захматларингиз устига, яна кандухтур жанобларидан сўкишлар, туртги-нуқкилар кўрушингиз «устакча»дир.

Эй оти улуг, суфраси куруг миллати нажиба! Энг аввал шалок-лака аравангни тартибга кўйиб, сўнгра катталиқ кил-да!..

*Ботурбек*

*«Машраб», 1924 йил, 12-сон*